

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 3-22/Б

Булокбоши туман

«22» декабрь 2022 йил

Ушбу пудрат шартномаси «*Буюртмачи*» деб аталувчи Булокбоши туман Тиббиёт бирлашмаси ва унинг номидан Низом асосида иш олиб борувчи рахбари П. Давфоенов бир томондан ва «*Хизмат курсатувчи*» деб аталувчи «*Нурафшон Электр лойиха*» мчж ва унинг номидан Низом асосида иш олиб борувчи рахбари З. Ворисов иккинчи томондан келишув асосида амалдаги қонунларга мувофиқ тузилди.

### I. ШАРТНОМАНИНГ МАВЗУСИ

1.1. «*Хизмат курсатувчи*» мазкур шартнома шартларига мувофиқ «*Буюртмачи*»нинг Булокбоши туман Тиббиёт бирлашмаси биносига 20 кв куёш панеллари тупламини урнатиш ишларини бажариб беради.

### II. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Бажарилиши лозим бўлган ишлар «*Буюртмачи*» томонидан тасдиқланган сметага ва танлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланган ишлар кушилган қиймат солиғи билан жорий нархларда **364 999 000 (Уч юз олтмиш тўрт миллион тўққиз юз тўқсон тўққиз минг) сўми**ни ташкил этади.

2.2. Бажариладиган ишлар қиймати узил кесил хисобланиб, фақатгина ишлар хажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганида ва форс мажор ҳолатлари сабаб бўлганида қайта кўриб чиқилиб, томонлар ўртасида қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

2.3. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, тегишли Ғазначилик бўлимида рўйхатга олингандан сўнг 10 банк иш кунида «*Буюртмачи*» бажариладиган ишлар умумий қийматининг 30 фоизини яъни **109 499 700 (Бир юз тўрт миллион тўрт юз тўқсон тўққиз минг етти юз) сўми** туловлар кетма кетлигига асосан олдиндан аванс тариқасида «*Хизмат курсатувчи*»нинг хисоб рақамига ўтказиб беради.

2.4. Бажарилган ишлар учун тўловларнинг қолган 70 фоизи, яъни **255 499 300 (Икки юз эллик беш миллион тўрт юз тўқсон тўққиз минг уч юз) сўми**ни «*Хизмат курсатувчи*» томонидан топширилган бажарилган ишлар далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида ўтказиб беради.

2.5. «*Буюртмачи*» охириги тўловни «*Хизмат курсатувчи*» томонидан иш тўлиқ бажариб топширилиб, қабул қилиш – топшириш далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида 30 банк иш кунидан кечикмаган муддатда ўтказиб беради.

2.6. Бажарилган ишлар учун тўловлар «*Буюртмачи*» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

### III. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. «*Хизмат курсатувчи*»нинг мажбуриятлари  
Шартнома имзолангандан сўнг иш бажариладиган объектни «*Буюртмачи*»дан далолатномага асосан қабул қилиб олади.

Мазкур шартномада илова қилинадиган тўлов жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови амалга оширилгандан бошлаб 5 кун муддат ичида ишларни бажаришга киришади ва ишларни бажариш календар графигига асосан 5 (беш) кун муддатда ишларни бажариб топширади.

Барча ишларни тасдиқланган смета хужжатларига мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда «*Буюртмачи*»га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади.

### 3.2. «*Хизмат курсатувчи*»нинг ҳуқуқлари

Бажариб берилган иш учун олдиндан аванс ҳақ тўланишини ва ишни бажариб топширгандан сўнг тўла хажмда ҳисоб китоб қилинишини талаб қилиш;

Бажариб берилган ишни қабул қилиб олиш асосиз равишда рад этилиши натижасида етказилган зарарни қопланишини талаб қилиш;

### 3.3. «*Буюртмачи*»нинг мажбуриятлари

Тасдиқланган смета бўйича бажарилган ишларни қабул қилиб олиш;

Бажарилган ишлар учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

### 3.4. «*Буюртмачи*»нинг ҳуқуқлари

«*Хизмат курсатувчи*»дан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа меъёрий хужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тўғриланиши харажатларини қопланишини талаб қилиш;

«*Хизмат курсатувчи*»дан шартномада курсатилган ишларини қабул қилиш комиссияси иштирокида лойиха хужжатлари асосида ишни сифатли бажарган ҳолда қабул қилиб олиш;

«*Хизмат курсатувчи*» томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини назорат қилиш;

## IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаса мажбуриятни бажармаган томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

4.2. «*Хизмат курсатувчи*» объектни ўз вақтида топширмаганлиги учун «*Буюртмачи*»га ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома мажбуриятлари бажарилмаган қисмининг 0,5% миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пеня суммаси бажарилмаган мажбуриятлар баҳосининг 50 % идан ошмаслиги керак.

4.3. Аниқланган нуқсон ва камчиликлар «*Хизмат курсатувчи*» томонидан ўз вақтида бартараф қилинмаса «*Буюртмачи*» тўловлар тўхтатилади. Лозим даражада бажарилмаган ишларнинг 20 % и миқдорида «*Пудратчи*» жарима тўлайди.

4.4. Бажарилган ишлар учун «*Буюртмачи*» томонидан ўз вақтида ҳақ тўланмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 %и миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пеняларнинг умумий суммаси кечиктирилган тўловларнинг 50 %и миқдоридан ортмаслиги керак.

4.5. Тўланадиган пенялар шартнома мажбуриятларини бузган тарафни иккинчи тарафга ана шу мажбуриятларни бажармаслик оқибатида етказилган зарарни қоплаш жавобгарлигидан озод этмайди.

## V. ФОРС МАЖОР ХОЛАТЛАР

5.1 Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

## VI. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

6.2. Мазкур шартнома бўйича юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро муҳокама йўллари билан хал этилади. Агарда ўзаро муҳокама йўли билан хал этиш имкони бўлмаса Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Хўжалик суди орқали хал этилади.

## VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

7.1. Шартнома томонлар имзолаб, ҳудудий Ғазначилик бўлимида рўйхатга олинган кундан кучга кириб, 31 декабрь 2022 йилгача амал қилади.

7.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жихатдан тенг кучли ҳисобланади.

## VIII. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

### «ХИЗМАТ КУРСАТУВЧИ»

«Нурафшон Электр лойиха» мчж  
Манзил: Шахрихон тумани Шахрихон КФЙ  
х/р: 20208000200203398001  
СТИР: 302554740  
МФО: 01037  
ОКОНХ: 71110  
“Кишлоқ қурилиш банк” АТБ Бош  
амалиётлар бошқармаси

### «БУЮРТМАЧИ»



Булоқбоши тумани Тиббиёт бирлашмаси  
Манзил: М. Исмоилов 156  
Ш.х/в: 1000 22 8600 3 210 40 43 1010 54004  
СТИР: 200266463  
МФО: 00014  
ОКОНХ: 94511  
Ғазначилик бўлинмаси номи: Молия Вазирлиги  
ғазначилиги ягона ғазначилик  
х/р 2340 2000 3001 0000 1010  
Тошкент шаҳар Марказий банк ХККМ  
МФО: 00014; СТИР 201122919

Рахбар:

3.Ворисов

Рахбар:

М.Ў.



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN  
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

LU1247402003

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **Xo'jalik shartnomasi**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Buloboshi tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan 20.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Buloboshi tumani  
yuridik markazi  
bosh yuristkonsulti:**



**J.Z.ALINAZAROV**

22.12.2022

**«ТАСДИКЛАЙМАН»**  
Булокбоши туман тиббиёт бирлашмаси  
рахбари  Т.А.Давронов

Булокбоши тумани Тиббиёт Бирлашмасига умумий куввати 20кВт булган куёш электр станциясини сотиб олиш ва урнатиш хизмати амалга ошириш бўйича эркин савдолар ўтказиш орқали таъминотчи ташкилотларни танлаш бўйича йиғилиш баённомасининг муҳокама натижалари бўйича ҳисобот

Муҳокама Баёни

2022 йил 21- декабр

Булокбоши тумани

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил йил 22 апрель кунги “Давлат харидлари” тугрисидаги Қонунининг 62 моддасига асосан Булокбоши Тумани Тиббиёт Бирлашмасига умумий куввати 20кВт булган куёш электр станциясини сотиб олиш ва урнатиш хизмати амалга ошириш бўйича эркин савдолар ўтказиш орқали Таъминотчи ташкилотларни танлаш тўғрисидаги Йиғилиш баённомасини муҳокама натижалари ҳақида.

Кун тартибидаги масала юзасидан комиссия раиси Булокбоши ТТБ раҳбари уринбосари С.Исаев сўзи эшитилди. У ўз сузида Ўзбекистон Республикаси Товар хом ашё биржасининг “[xarid.uzex.uz](http://xarid.uzex.uz)” ахборот порталидаги 2022 йил 10-декабр кунги № 22110012209380 (туғаш муддати 2022 йил 16 декабр) лотга асосан **365 000 000** (уч юз олтмиш беш миллион минг ) сўмга Булокбоши тумани Тиббиёт Бирлашмасига умумий куввати 20кВт булган куёш электр станциясини сотиб олиш ва урнатиш хизмати берилганлиги ва ушбу хизматларни бажарувчи 2 та хужалик юритувчи субъектдан таклифлар билдирилганлиги ҳамда 2022 йил 21декабр кунги йиғилиш баённомасига асосан **364 999 000** (Уч юз олтмиш тўрт миллион тўққиз тўхсон тўққиз минг )сумга **“NURAFSHON ELEKTR LOYIHA ” МЧЖ** танлов ғолиби расмийлаштирилганлиги тугрисида тўхталди.

Баҳолаш комиссияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Товар хом ашё биржасининг “[xarid.uzex.uz](http://xarid.uzex.uz)” ахборот порталига жойланган 2022 йил 21 декабр кунги йиғилиш баённома натижалари юзасидан эътирозлар келиб тушмаганлиги боис эркин савдо шартлари ва баҳолаш комиссияси аъзолари фикр мулохазаларини таҳлил қилиб йиғилиш

### Қ А Р О Р   Қ И Л А Д И :







1. Булокбоши Тумани Тиббиёт Бирлашмасига умумий куввати 20кВт булган куёш электр станциясини сотиб олиш ва урнатиш хизмати амалга ошириш бўйича **364 999 000** (Уч юз олтмиш тўрт миллион тўққиз тўхсон тўққиз минг )сумга **“NURAFSHON ELEKTR LOYIHA ” МЧЖ** танлов ғолиби билан 2 томонлама шартномалар тузилишини таъминлаш топширилсин ва харажатлар сметасида назарда тутилган маблағларни ўз

вақтида тўлиқ молиялаштирилишини таъминлаш юклатилсин.

2. Булокбоши туман тиббиёт бирлашмаси Бош ҳисобчиси Ш.Комиловга умумий қуввати 20кВт булган куёш электр станциясини сотиб олиш ва урнатиш хизмати ва молиялаштириш графигига асосан мониторинг ўтказишни йўлга қўйиш вазифаси юклатилсин.

3. Эркин савдолар бўйича оферентни очиш ва ғолибни аниқлаш ҳақидаги йиғилиш баёни баҳолаш комиссияси аъзолари томонидан очиқ ҳал қилинди ва тўғри тузилган деб тан олинди.

Баҳолаш комиссияси хайъати :

ТТБ раҳбари уринбосари		С.Исаев
ТТБ КУК раиси		У.Хайдаров
ТТБ Бош ҳисобчиси		Ш.Комилов
ТТБ Таъминотчиси		А.Обиджонов
Моддий бойликлар ҳисобчиси		Р.Анорова
Шартнома ҳисобчиси		О.Сайназаров